

## АБУ ҲАНИФАНИНГ “ВАСИЯТ” АСАРИ ВА УНИНГ СУННИЙЛИК АҚИДАСИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Гиёсов Асқар Тиркашевич**

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом  
институти “Ҳадис ва ислом тарихи фанлари”  
кафедраси катта ўқитувчиси*

Муҳаммад Субҳи Оидий ва Ҳамза Муҳаммад Васим Бакрий аллома Акмалуддин Бобиртийнинг “Шарҳ Васият ал-имам Аби Ҳанифа” китобини таҳқиқ қилиб ёзган муқаддималарида қуйидагиларни айтади: “Бу имом аллома фақиҳ Акмалуддин Бобиртийнинг Имом Аъзам Абу Ҳанифанинг “Васият”ига ёзган шарҳидир. Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи “Васият” китобида ўз даврида Аҳли сунна ва бошқа фирқалар орасида, ҳатто Аҳли сунна ичида ҳам низоли ва тортишувли бўлган ақидавий масалаларни баён қилган. Имом Аъзам ушбу рисолада ақидавий масалаларда ҳужжатини очиқ-ойдин қилган ҳолда ўзининг мазҳабини намоён қилди.

Шу ўринда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳининг имом Акмалуддин шарҳ қилган “Васият”идан ташқари ҳамма шогирдларига ҳамда айнан, баъзи шогирдларига қилган бошқа васиятлари ҳам мавжудлигини эслатиб ўтиш фойдадан холи эмас. Шулар жумласидан, шогирлари имом Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Ансорий раҳматуллоҳи алайҳга қилган васиятларини келтиришимиз мумкин. Бу васиятнинг шани улуғ ва фойдаси кўп бўлиб, ҳаётнинг ҳамма жабҳалари айниқса, талаби илм тўғрисидаги насиҳатлар ва йўналишларни ўз ичига олган. Аллома Зайнуддин ибн Нужайм раҳматуллоҳи алайҳи “ал-Ашбоҳ ва-н-назоир” китобининг охирида ушбу васиятни келтирган.

Имомнинг васиятлари уламоларимиз томонидан юксак эътиборга сазовор бўлди. Зеро, бу орқасидан эргашиладиган имомлардан бирининг васиятларидир”<sup>12</sup>.

“Васият” асарининг қўлёзма нусхалари дунёнинг кўплаб мамлакатлари кутубхоналарида сақланади. Шайхул ислом Ориф Ҳикматнинг Мадинаи Мунавварадаги кутубхонасида 234 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхасининг бошларида “Васият”нинг исноди келтирилган. У шайхул ислом Мустафо Оширнинг Абу Ҳанифа

<sup>12</sup> Бобиртий. Шарҳ ал-Васият. Кириш. – Б. 5-6.

кунясини олган “Ғоятул баён” номли китобнинг соҳиби Қивомуддин Амир Котиб ибн Амир Умар Итқонийгача бўлган санадини ривоят қилиш билан бошланади. У муфтий Ҳусомуддин Ҳусайн ибн Алий ибн Ҳажжож Сиғноқийдан (ваф.710х.), у имом Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср Бухорийдан (ваф.694х.), у Шамсу-л-аимма Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад Кардарийдан (ваф.642х.), у имом ал-ҳумом “Ҳидоя” китоби муаллифи Бурҳонуддин Абу-л-Ҳасан Алий ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Рошдоний Марғилонийдан (ваф.593х.), у имом Зиёуддин Муҳаммад ибн Ҳусайндан (ваф.545х.), у имом Алоуддин Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Самарқандийдан, у имом Сайфулҳақ Абу-л-Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Макҳулий Насафийдан (418-508х.), у имом Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Маҳдий Ҳусайнийдан, у имом Абу Яъқуб Исҳоқ ибн Мансур Сайёрийдан, у имом Абулфазл Аҳмад ибн Алий Сулаймонийдан (ваф.404х.), у имом Абу Саид Ҳотам ибн Ақийл Жавҳарийдан (ваф.333х.), у имом Муҳаммад ибн Самоъа Тамимийдан (ваф.233х.), у имом Абу Юсуф Яъқуб Ансорийдан (ваф.182х.), у Имом Аъзам Абу Ҳанифадан, у “Васият”ида шундай деди: “билинлар эй асҳобларим – Аллоҳ сизларга тавфиқ берсин – аҳли сунна вал жамоа мазҳаби ўн иккита хислатга эътиқод қилишга мувофиқдирлар. Ким шу хислатларда мустаҳкам турса, тўғри йўлга юрган бўлади. Биринчиси: иймон...”<sup>13</sup>.

Доктор Муҳаммад ибн Абдурахмон Хамийс “Усул ад-дин инда ал-имам Аби Ҳанифа”<sup>14</sup> китобида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи асарларининг исноди жумладан “Васият”нинг ҳам исноди тўғрисида тўхталган. Унда ушбу асарларнинг ривоят қилган кишилар орасида Косоний, Самарқандий ва Абу-л-Муъин Насафийларни таржимаи ҳолларини ёритган уламолар улар борасида жарҳ ва таъдил<sup>15</sup>ни айтмаганлар дейилган<sup>16</sup>.

Бу ажабланарли бир гап. Негаки, мазкур алломалар ҳадис ривоят қилётганлари йўқ. Уларнинг адолатли ва ишончли эканликларига далил-ҳужжат қидириш бамисоли Ибн Дақиқ ал-Ийд, Шотибий, Ибн Салоҳ, Нававий, Субкий ва шу каби таниқли алломаларнинг адолатли ва ишончли эканликларига далил-ҳужжат ахтаришга ўхшатиш мумкин. Ким агар эргашиладиган фикрий мазҳабларнинг имомларидан бири

<sup>13</sup> Бобиртий. Шарҳ ал-Васият. Кириш. – Б. 28-29.

<sup>14</sup> Бу асар Муҳаммад ибн Суъуд номидаги университетда ҳимоя қилинган докторлик диссертацияси бўлиб, олий даражага баҳоланган ва нашрга ҳамда ўқув юртларида қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия қилинган.

<sup>15</sup> Ҳадис илми истилоҳида жарҳ ва таъдил истилоҳлари ҳадис ривоят қилган ровийни ривоятга ҳақли, адолатли ва ишончли эканлиги ёки ишончсизлигига далолат қилади.

<sup>16</sup> Доктор Муҳаммад ибн Абдурахмон Хамийс. Усул ад-дин индал имам Аби Ҳанифа. – Б.

бўлса ва инсонлар уни фикрда имом эканлигига рози бўлишса, шубҳасиз шу сингари алломаларнинг ишончли ёки ишончсизлиги ҳақида савол қилинмайди<sup>17</sup>.

Токио университетининг маданият ва шарқшунослик институтида сақланаётган “Васият” асарининг қўлёзма нусхаси ўн бетдан иборат бўлиб, ўнинчи бетда ҳеч нарса ёзилмаган. Ҳар саҳифада ўртача 11 қатор матн жойлаштирилган. Айрим ўринларда хаттот тарафидан баъзи матнларга қатор орасида изоҳлар берилганлигини учратиш мумкин. Саҳифа тугаб, унинг пастки қисмига, яъни матнлар остига кейинги саҳифани бошлаб берувчи сўз ёзилган. Асарнинг биринчи бети қуйидагича бошланган:

“Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан. Бу рисола Имом Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг васияти.

Оламлар парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин. Пайғамбарлар саййиди Муҳаммадга, унинг оиласи ва саҳобаларига ҳамма-ҳаммасига саловат ва салом бўлсин. Бу Имом аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг “Васият” китобидир. Айтилишича, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи бетоб бўлганида, атрофига шогирдлари жамланиб, ундан Аҳли сунна вал жамоа йўлига кўра васият қилишини сўрадилар. Шунда у хизматчисига уни ўтирғизиб қўйишини буюрди. Хизматчи уни орқасига нарса суюб ўтғиздирди. Сўнгра Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи: “Билинлар эй асҳобларим ва биродарларим – Аллоҳ сизларга тавфиқ берсин – Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби ўн иккита навдир. Ким шуларда мустаҳкам турса, бидъатчи ва ҳавои нафс соҳиби бўлмайди. Аксинча, тўғри йўлга юрган бўлади. Асҳобларим ва биродарларим ушбу хислатларни лозим тутинлар. Шу сабабли қиёмат куни Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатларида бўласизлар. Биринчи: иймон...”<sup>18</sup>.

Асарда баён қилинган ўн иккита ақидавий масаланинг ҳар бирини ораси биринчи, иккинчи, учинчи... каби тартиб сон маъносини англатувчи сўзлар билан ажратилган ва “ал-аввал”, “ас-соний”, “ас-солис...” шаклида берилган. Яъни, сўзлар олдидан аниқлик артикли қўйилган ҳолда келтирилган.

Асар Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг: “Асҳобларим, ушбу васиятимни қилинлар (яъни етказинлар). Зеро, мен Роббим ҳузурига кетаяпман” деган гаплари билан тугатилган. Хаттот “Васият”ни ёзишни

<sup>17</sup> Бобиргий. Шарҳ ал-Васият. Кириш. – Б. 31.

<sup>18</sup> Абу Ҳанифа. Ал-Васият. Токио университетининг маданият ва шарқшунослик институти: қўлёзма. Инв. Рақама номаълум. – В. 1<sup>а</sup>

тугатганидан кейин: “Рисола Аллоҳнинг ёрдами ила тугади. Ҳарфларнинг котиби мулло Умар мискин”<sup>19</sup>, деб ёзиб қўйган.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг “Васият” асарларининг Миср араб республикаси ал-Жомийъ ал-Азҳар кутубхонаси қўлёзмалар фондида 114 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхаси олти саҳифадан иборат бўлиб, биринчи қатори, ўн иккита масаланинг ҳар бирини ажратиб турувчи биринчи, иккинчи, учинчи... сўзлари ва муҳим деб саналган сўзлар қизил рангли ҳарфлар билан ёзилган ҳамда матннинг тўртта тарафи ҳам қизил чизиқлар билан ҳошияланган. Унинг ҳар саҳифасида ўртача 19 қатор матн жойлаштирилган. Мазкур қўлёзма шундай бошланган:

“Бу Имом аъзам Абу Ҳанифа разияллоҳу анҳунинг васияти.

Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан. Аллоҳ саййидимиз Муҳаммадга, унинг оиласи ва саҳобаларига ҳамма-ҳаммасига саловат ва салом юборсин”<sup>20</sup>. Сўнгра хаттот тарафидан тавҳидни англатувчи сўзлар битилган:

“Билгилки – Аллоҳ бизни ва сизни тўғри йўлга бошласин – ҳар бир мукаллафнинг зиммасидаги вожиби қўйидагиларни билмоқлигидир: Аллоҳ азза ва жалла Ўз мулкида ягонадир. Оламнинг ҳаммасини юқори ва пастликни, Арш ва Курсини, осмонлар ва ерни, у иккисининг оралиғи ва атрофидаги нарсаларни яратди. Ҳамма махлуқотлар Унинг қудрати остидадирлар. Бирор зарра ҳам Унинг изнисиз ҳаракатлана олмайди. Яратишда У билан бирга ишларни бошқариб тартибга солиб турувчи йўқ ҳамда мулкида Унинг шериги ҳам йўқ. У доим тирик ва ҳамма ишларни бошқарувчи зотдир. Уни мудроқ ва уйқу олмайди. Ғайбни ҳам, ҳозир нарсаларни ҳам билувчидир. Унга на ердаги ва на осмондаги нарсалар махфий эмас. Қуруқлик ва денгиздаги нарсаларни билиб туради. Биттагина япроқ тушса ҳам уни албатта биледи. Ернинг зулматларида бирор уруғ ҳам, ҳўл ва қуруқ нарсалар ҳам очиқ-равшан китобдадир<sup>21</sup>. Ҳамма нарсаларни Ўз илми ила ихота қилиб олган. Ҳамма нарсаларни саноғини ҳисобига етади. Ирода қилганини қила оладиган ва хоҳлаганига қодирдир. Мулк ва ҳукм чиқариш Уникидир. Ғолиблик ва боқийлик Унга хос. Ҳукм ва қазо Унинг учундир. Ҳамд ва сано Унгадир. Унинг гўзал исмлари бор. У чиқарган ҳукмни рад қилувчи йўқ. У берган нарсани ман қилувчи йўқ. Ўз мулкида ирода қилганини қилади. Ўзининг яратганларида хоҳлаганидек ҳукм

<sup>19</sup> Ўша асар. – В. 5<sup>б</sup>

<sup>20</sup> Абу Ҳанифа. Ал-Васият. Миср араб республикаси ал-Жомийъ ал-Азҳар кутубхонаси қўлёзмалар фонди: қўлёзма. Инв. №114. – В. 1<sup>а</sup>.

<sup>21</sup> Яъни, ҳамма нарса Аллоҳнинг илми ила лавҳул маҳфузга ёзиб қўйилган.

қилади. Савобни умид қилмайди ва азобдан хавфи йўқ. Унинг зиммасида ҳақ йўқ. Унинг тепасида ҳукм ҳам йўқ. Ҳар бир неъмат Унинг тарафидан фазл ва ҳар бир азоб Унинг томонидан адолатдир. Қилган ишидан сўралмайди. Улар<sup>22</sup> эса сўраладилар. (У) махлуқотлар яратилишидан олдин мавжуд эди. Унда олдинлик ва кейинлик, уст ва ост, ўнг ва чап, орқа ва олд, бутунлик ва жузлик йўқ. У қачон бўлган, қаерда бўлган, қандай бўлган, дейилмайди. Унда маконнинг борлиги ва замоннинг ўтиши йўқ. Маконга хосланиб ҳам олмаган. Хаёл Унга ета олмайди. Ақл Уни шакллантирмайди. Замонга ҳам хосланиб олмаган. Нафсда намоён бўлмайди. Хаёлда тасаввур қилинмайди. Ақлда шаклланмайди. Хаёллар ҳам фикрлар ҳам Унга етиша олмас. Тарафлар ва ҳудудлар Уни қамраб ололмас. Унга ўхшаш ҳеч нарса йўқ ва У эшитувчи ва кўрувчи зотдир. У қандай ҳам яхши хўжайин ва нақадар яхши ёрдам берувчидир. Орифлар<sup>23</sup> Уни феъллари орқали танийдилар ва Унинг улуғлигидан тасвирлашни кетказадилар. Демак, хаёлларга ва фикрларга келган ҳар бир нарса борки, Аллоҳ Ундан бошқадир”<sup>24</sup>.

Мазкур қўлёзманинг матнига киришишдан олдин қуйидаги сўзлар битилган: “Аммо баъд. Бу Имом аъзам Абу Ҳанифа – Аллоҳ уни раҳматига олсин – томонидан шогирдлари – Аллоҳ уларнинг ҳаммасидан рози бўлсин – учун Аҳли сунна вал жамоа мазҳабига биноан қилинган васиятдир. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ касал бўлган пайтида айтди: “Билинлар асҳобларим ва биродарларим Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби ўн иккита хислатга мувофиқ равишдадирлар. Ким шу хислатларда мустаҳкам турса, бидъатчи ва ҳавои нафс соҳиби бўлмайди. Асҳобларим ва биродарларим ушбу хислатларни лозим тутинлар. Шу сабабли қиёмат куни Пайғамбаримиз Муҳаммад – соллаллоҳу алайҳи васаллам – шафоатларида бўласизлар. Биринчиси: иймон...”<sup>25</sup>.

Ушбу қўлёзмада ўн иккита ақидавий масалаларни ажратиб турувчи сўзлар “аввалуҳо”, “сонийҳо”, “солисуҳо...” шаклида берилган. Яъни, сўзлар сўнгда эгалик олмошлари келтирилган. У Аллоҳга ҳамд ва Пайғамбарга саловат айтиш билан якунланган.

Қўлёзманинг бешинчи бетининг пастки қисмида ва олтинчи бетнинг юқорисида тухумсиймон муҳр босилган. Аммо, мутлақо ўқиб бўлмас

<sup>22</sup> Яъни, мавжудотлар.

<sup>23</sup> Яъни, Аллоҳни таниганлар.

<sup>24</sup> Абу Ҳанифа. Ал-Васият. Миср Араб республикаси ал-Жомий ал-Азҳар кутубхонаси қўлёзмалар фонди: қўлёзма.Инв. №114. – В. 2<sup>а</sup>.

<sup>25</sup> Ўша асар. – В. 2<sup>б</sup>.

ҳолатда. Ҳатто, унинг ёзувлари билинмайди ҳам. Қўлёзманинг охириги бетда китобни кўчириш 1188 ҳижрий санада тугагани ва котибнинг исми шарифи ёзилган. Лекин, уни ўқиш мушкул ҳолга келиб қолган. Яна ушбу бетда қўлёздаги ёзув рангларидадан очроқ рангда китоб соҳиби ўзининг мана шу китобини талабаларга вақф қилгани ва унинг жойи ал-Жомий ал-Азҳарнинг хазинасида бўлиши ёзиб қўйилган.

Биз тадқиқ қилаётган Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг “Васият” асарларининг қўлёзма нусхалари юртимизда – Ўзбекистонда ҳам сақланиб келади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар мажмуасида “Китоб ал-Васият”нинг 12 та қўлёзма нусхаси мавжуд<sup>26</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур институт қўлёзмалар жамғармасида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ўз шогирдлари Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳга қилган бошқа бир васиятининг нусхалари ҳам сақланади<sup>27</sup>. Ҳатто, қўлёзмалар картотекасида Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг машҳур тобеин Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳга қилган васияти ҳам рўйхатга олинган<sup>28</sup>. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи катта тобеинлар гуруҳидан бўлиб, унга Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг васият қилгани шубҳали. Бинобарин, мазкур икки қўлёзма нусхани ўрганиш кейинги изланишларнинг муҳим йўналишидир.

ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар мажмуасида сақланаётган Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг “Васият” асарининг қадимий қўлёзма нусхаларидан бири 11251 тартиб рақами билан сақланади. Қўлёзма ўндан ортиқ асарлар мажмуасидан иборат бўлиб, “Китоб ал-Васият” XI асар сифатида рўйхатга олинган. Мажмуада арбаъин ҳадис тўпламлари, ҳар хил мавзудаги кичик ҳажмли асарлар, жумладан, “Каъбу-л-Аҳбор” қиссаси, “Фиқҳи Кайдоний”, “Ақоид ал-Азудиййа” кабилар бор. Қўлёзма муқоваси жуда эски, қора теридан ишланган, нақшлари (турунж, лола) йўқ. Мажмуа битта хаттот томонидан тузилган эмас, унинг хатлар тури турли-туман. Хаттот номи бирорта асар охирида кўрсатилган эмас. “Китоб ал-Васият” қўлёзманинг 116<sup>б</sup>-121<sup>б</sup> варақларида жойлаштирилган. Битта саҳифада 9 сатрдан матн бўлиб, қора настаълиқда китобат қилинган. Жадвал ишлатилган эмас. Қўлёздаги айрим асарлар нуқсонли, лекин “Китоб ал-Васият” тўлиқ.

<sup>26</sup> Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар мажмуаси, № 103/III; 10370/V; 8112/I; 11251/XI; 12818/VI; 4697/XXXII; 3770/II; 12995/V; 5825/IV; 3294/IV; 4613/X; 11251/XI.

<sup>27</sup> Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар мажмуаси, №№ 2521/II; 2992/I; 3211/XI.

<sup>28</sup> Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар мажмуаси, № 8742/VI.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг “Васият” асарлари Аҳли сунна вал жамоа ақидасини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг илмий изланишлари натижасида бу асар суннийлик ақидасининг ривожланишига катта туртки бўлган. Шу билан бир қаторда мотурудия таълимотини вужудга келишида асосий манба вазифасини ўтаган. Унда ақида масалаларининг ўн иккитаси ёритилган. Улар қуйидагилар:

1. Иймоннинг таърифи, зиёда бўлиши ёки бўлмаслиги, ундаги истисно<sup>29</sup>, гуноҳи кабира қилган банданинг ҳукми;
2. Амаллар фарз, фазоил ва маъсиятга тақсимланиши.
3. Аллоҳ таоло Аршда истиво қилиши<sup>30</sup>, лекин унга эҳтиёжи йўқлиги ва ўрнашмаганлиги;
4. Қуръон Аллоҳнинг каломи ва махлуқ эмаслиги<sup>31</sup>;
5. Пайғамбарлардан кейин умматнинг афзали Абу Бакр, кейин Умар, кейин Усмон, кейин Али эканлиги;
6. Бандаларнинг амаллари яратилганлиги;
7. Ризқ масаласи;
8. Банданинг амали иститоат<sup>32</sup> билан бир вақтда бўлиши;
9. Махсига масҳ тортиш далиллар ила собит эканлиги, сафарда намозни қаср қилиб ўқиш<sup>33</sup> ва рўза тутмасликка руҳсат борлиги;
10. Қалам ҳақ эканлиги<sup>34</sup>;
11. Қабр азоби, жаннат, дўзах, мезон<sup>35</sup> ва номаи аъмолларнинг ўқилиши<sup>36</sup>;
12. Ўлгандан кейин қайта тирилиш, жаннат аҳлининг Аллоҳ таолони кўриши, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоат қилишлари ва Оиша розияллоҳу анҳунинг покдомон аёл эканликлари.

### **“Васият”га ёзилган шарҳлар ва ундаги масалаларнинг бошқа асарларда акс этиши**

<sup>29</sup> Яъни, иншааллоҳ мусулмонман дейиш.

<sup>30</sup> Истиво бир қанча маънони англатиши уламолар томонидан айтиб ўтилган. Абу Ҳанифа, Имом Молик, Имом Шофий, Имом Аҳмад ва ўша даврнинг таникли уламолари уни бирор маъносида ишлатишмаган балки, шундайлигича қабул қилишган. Кейинги уламолар эса эгалик қилмоқ маъносида қўллаш мумкин, деб таъкидлаганлар.

<sup>31</sup> Яъни, Аллоҳнинг каломи азалий эканлиги, бошқа мавжудотлар каби яратилмаганлиги.

<sup>32</sup> Иститоат қудрат қувват ва тоқат маъносида.

<sup>33</sup> Яъни, тўрт ракатли намозларни иккиракат қилиб ўқиш.

<sup>34</sup> Яъни, Аллоҳ таоло қаламга қиматгача бўладиган ҳамма нарсаларни ёзишга буюрггани.

<sup>35</sup> Яъни, қиёмат кунда амалларнинг ўлчаниши.

<sup>36</sup> Яъни, инсонлар ҳаётлик вақтларида қилган амаллари фаришталар тарафидан ёзиб қўйиладиган “Номаи аъмол” ҳақида.

“Васият”ни Бобиртий, Алий Қори ва Мулла Ҳусайн ибн Искандар Румий (ваф.1084 ҳ.) раҳматуллоҳи алайҳим шарҳлаганлар. Мулла Ҳусайннинг шарҳи “ал-Жавҳарат ал-мунифа” деб номланиб, Ҳиндистонда, кейинчалик эса Қатарда чоп қилинган. Шарҳларнинг энг асоси ва фойдалиси Бобиртийнинг ёзган шарҳи ҳисобланади. Имом Ҳусуний ҳам бу китобга шарҳ ёзиб, уни “Зухур ал-атийя” деб, номлаган. Бу асарга Нуруддин Иброҳим ибн Ҳасан Афанди Ускудорийнинг (ваф. 1260 ҳ.) шарҳи мавжуд бўлиб, у Истанбулда чоп қилинган. Бундан ташқари “Васият” асрининг “Хулоса ал-усул” ва “Талхис хулоса ал-усул” номли шарҳлари ҳам мавжуд<sup>37</sup>.

Имом Соримуддин Мисрий раҳматуллоҳи алайҳи “Назм ал-жуммон”да, мутааххир уламолардан қози Тақийуддин Тамимий раҳматуллоҳи алайҳи “ат-Табақот ас-санийя”да<sup>38</sup>, қози Абу-л-Фазл Муҳаммад ибн Шаҳна Ҳалабий раҳматуллоҳи алайҳи “Шарҳ ал-Ҳидоя”нинг бошларида “Васият”ни тўлалигича зикр қилган. Ибн Ҳумом раҳматуллоҳи алайҳи “Мусояра”да “Васият”нинг баъзи масалаларини зикр қилган<sup>39</sup>. Шайх Акмалуддин Бобиртий раҳматуллоҳи алайҳи унга шарҳ ёзган<sup>40</sup>.

“Васият” асарига ёзилган шарҳлар ва ундаги масалалар зикр қилинган асарларнинг аксари нашр қилинган. “Васият”нинг ўзи ҳам бир неча бор нашр қилинган. Бунга Муҳаққиқ аллома Муҳаммад Зоҳид Кавсарий раҳматуллоҳи алайҳи бир қанча ақидага оид китобларни таҳрир қилиб чоп қилдирган “ал-Ақида ва илмул калом” номли китобда ва “ал-Олим вал мутааллим” китобининг ичида ҳам борлигини мисол қилиб келтириш мумкин. Муҳаммад Субҳи Оидий ва Ҳамза Муҳаммад Васим Бакрийлар ҳам Акмалуддин Бобиртийнинг “Шарҳ Васият ал-имам Аби Ҳанифа” номли китобига ёзган муқаддимасида “Васият”ни бир неча марта нашр қилинганини айтиб ўтганлар<sup>41</sup>.

Юртимизда Абу Ҳанифанинг каломга оид машҳур бешта асари Абдурашид қори Баҳромов тарафидан ўзбек тилига таржима қилиниб нашр қилинган. Улар орасида “Васият” асари ҳам бор.

<sup>37</sup> Бобиртий. Шарҳ ал-Васият. Кириш. – Б. 26.

<sup>38</sup> Тақийуддин ибн Абдулкохир Тамимий. Табақот ас-санийя фий тарожим ал-ҳанафийя. – Риёд: Дор ар-рифоъий, 1403 ҳ. – Б. 156-160.

<sup>39</sup> Ибн Ҳумом. Ал-Мусояра фи-ақоид ал-мунжия фий ал-ахиро. – Миср: Матбаа ал-анвор 2002. – Б. 378.

<sup>40</sup> Бобиртий. Шарҳ ал-Васият. Кириш. – Б. 25.

<sup>41</sup> Бобиртий. Шарҳ ал-Васият. Кириш. – Б. 10.

**ФҲЙДАЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Умарий Али Муҳаммад. Ал-Хилаф байна Аби Ҳанифа ва асҳабиҳи. – Риёз: Мактабату-л-Убайкон, 2011.
2. Муҳаммад Абу Заҳра. Абу Ҳанифа: ҳаятуҳу ва асруҳу ва ороьуҳу ва фикҳуҳу. – Қоҳира: Дору-л-фикри-л-арабий, 1998.
3. Муҳаммад Тоййиб. Шарҳу Ақидати-т-Таҳовия. – Ҳиндистон: Дорул улум, 1999.
4. Ҳабиб Аҳмад Киронвий. Абу Ҳанифа ва асҳабуҳу. – Байрут: Дору-л-фикр, 1989.
5. Абул Муайяд Муваффақ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Маккий. Маноқиб Аби Ҳанифа. – Байрут: Дору-л-китабу-л-арабий, 1401 ҳ.
6. Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шиҳоб Кардарий. Маноқибу-л-имам Аби Ҳанифа. – Байрут: Дору-л-китабу-л-арабий, 1401 ҳ.
7. Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳажар Ҳайтамий. Ал-Ҳойроту-л-ҳисон фий маноқиб-л-имам Аби Ҳанифа Нуъмон. – Байрут: Дору-л-кутубу-л-илмийя, 1407 ҳ.
8. Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. Маноқиб Аби Ҳанифа ва соҳибайҳи Аби Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан. – Ҳайдаробод: Лажна ихёи-ли-маориф нуъмонийя, 1996.
9. Алий ибн Султон Муҳаммад Ҳаравий Қори. Ал-Асмору-л-жанийя фий асмаи-л-ҳанафийя. – Ҳайдаробод: Доирату-л-маорифи-н-низомийя, 1332 ҳ.
10. Муҳаммад Зоҳид ибн Ҳасан ибн Али Кавсарий. Ал-Имтаъ бисийрати-л-имомайн: Ҳасан ибн Зиёд ва соҳибихи Муҳаммад ибн шужоъ. – Қоҳира: матбаъату-л-анвор, 1368 ҳ.
11. Шамсуддин Муҳаммад Абдуллатиф. Абу Ҳанифа Нуъмон ва ороьуҳу-л-каломийя. Миср: 1999
12. Абул Файз Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Забидий. Итҳафу-с-садати-л-муттақин. – Байрут: Дор ихёи-т-туроси-л-арабий, 1996.